

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ КАРИМЖОН

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ДЕТАЛЛАРИ РЕСУРСИНИ
ОШИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ВОСИТАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш,
тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Қосимов Каримжон

Қишлоқ хўжалиги техникалари деталлари ресурсини оширишнинг
технология ва воситаларини такомиллаштириш 3

Косимов Каримжан

Совершенствование технологии и средств увеличения ресурса деталей
сельскохозяйственной техники 26

Qosimov Karimjan

Improvement of technology and means of increasing the resource of agricultural
machinery parts 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ КАРИМЖОН

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ДЕТАЛЛАРИ РЕСУРСИНИ
ОШИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ВОСИТАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш,
тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/T314 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон машинасозлик институтида ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Худойбердиев Толибжон Солиевич,
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Нурiev Карим Катибович,
техника фанлари доктори, профессор

Абралов Махмуд Абралович,
техника фанлари доктори, профессор

Рустамов Раҳматали Муродович,
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори - Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-09-45; факс: (+99871) 237-46-68), e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори - Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-09-45; факс: (+99871) 237-46-68), e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» ноябр куни тарқатилди.

(2020 йил «_12_» ноябрдаги №_1__ рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Мирзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Дж. Алижанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент.

А.А. Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошиқдаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё амалиётида энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва техника воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш етакчи ўринни эгаллаган. Дунё миқёсида турли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини етиштириш учун ҳар йили 1,6 миллиард гектардан ортиқ майдонга турли машиналар ёрдамида бир неча маротаба ишлов берилишини ҳисобга олсак¹, бунинг учун кўплаб сондаги қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланилади. Уларни ишлатиш учун ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат ва эҳтиёт қисмлар сарфланади. Шунинг учун ушбу ҳаражатларни камайтириш ва мавжуд машиналардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Машиналардан самарали фойдаланиш учун уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими жорий этилган бўлиб, унда трактор ва қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш салмоғи ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Машиналарни ташкил этадиган барча деталларнинг ишончилиги, пухталиги ва ресурси каби кўрсаткичларнинг бир хил эмаслиги, ҳавонинг юқори чангланганлиги, деталларнинг тупроқ билан тўғридан-тўғри контактда бўлиши, уларга доимий ва тўлақонли хизмат кўрсатишнинг қийинлиги каби сабаблар қишлоқ хўжалиги техникалари учун таъмирлаш талабини вужудга келтиради.

Машиналарни таъмирлаш талабини вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, деталларнинг ейилиши натижасида ишдан чиқиши ҳисобланади. Деталларнинг ейилиши оқибатида машиналарнинг қуввати ва иш унуми пастлайди, ёнилғи мойлаш материаллари сарфи ортади. Ушбу кўрсаткичлар маълум қийматларга етганда, уларни тиклаш мақсадида, машиналар таъмирланади. Таъмирлаш ҳаражатларининг асосий қисмини эҳтиёт қисмлар сарфи ташкил этади. Эҳтиёт қисмлар сарфини камайтиришнинг асосий захираси ейилган деталларнинг маълум қисмини қайта тиклаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳақонда машина деталларини тиклаш ҳажми йилдан – йилга ортиб бормоқда².

Ейилган деталларнинг тиклаш жараёни, уларнинг ишчи юзаларига ейилишга чидамлилиги, ўзининг аввалги юзасиникига қараганда, юқори бўлган материал қатламини қоплашдан иборат бўлиб, у деталнинг ресурсини ошириш имконини беради. *Аммо, деталларнинг ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига боғлиқ ҳолда ошириш масаласи илмий асосланмаганлиги натижасида бу имкониятдан фойдаланилмаяпти.* Шунинг учун ейилган ишчи юзаларига ейилишга чидамлилиги юқори қатлам

¹ <http://www.fao.org/geonetwork>. i1688r.pdf. The State of the World's Land and Water Resources for Food and Agriculture. (Состояние мировых земельных и водных ресурсов для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства). 48 стр.

² <https://cyberleninka.ru/.../sozdanie-i-organizatsiya-sistemy-firmennogo-tehnicheskogo-servisa-selskohozyaystvennyh-mashin>

коплаш орқали ҳар сафар янгисига алмаштириладиган деталларнинг ресурсини орттиришнинг технология ва воситаларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Машиналарни таъмирлашда эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш устидаги тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жамладан, АҚШ, Англия, Германия, Италия, Австрия, Венгрия, Швеция, Швецария, Россия ва Япония каби мамлакатларда олиб борилмоқда. Натижада машиналарни таъмирлашда эҳтиёт қисмлар сарфининг Японияда 40% гача қисмини, АҚШ, Германия, Англия ва Австрияда 30-35% қисмини қайта тикланган деталлар ташкил этади. Ейилган деталларнинг ишчи юзаларига пайвандлаб қоплаш учун қатор «Castolin+Eutectic», “Тулачермет”, “Торез”, “Бровари”, “Выкса” каби металлургия корхоналари ва бирлашмаларида турли маркадаги кукунсимон композицион материаллар, сим ва ленталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. АҚШдаги «Caterpillar» фирмаси ейилган деталларни қайта тиклаш орқали миллионлаб доллар маблағни тежашга эришиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлашда деталлар ресурсини ошириш муаммоси устида Россиянинг Бутунроссия машина-трактор паркини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш технологияси илмий тадқиқот институти, Бошқирдистон давлат аграр университети, Украинадаги Патон номли электросварка институти, Белоруссия давлат агротехника университети, республикаимизнинг, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Гулистон давлат университети, Тошкент давлат транспорт университети каби илмий

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.greatplainsag.com/ru/354/vertical-tillage-fall>; <https://www.uni-hohenheim.de/insti-tution/institut-fuer-agrartechnik>; http://study.com/agriculture_schools.html; http://www.agr.unizg.hr/en/article/337/department_of_agricultural_engineering; https://en.wikipedia.org/wiki/Texas_A%26M_University; <https://www.tamu.edu/>; <http://english.cau.edu.cn/col/col5408/index.html> ва бошқа манбалар асосида фойдаланилган.

марказларда кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунёда юқори қувватли тракторлар ва мураккаб қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштириш, тез ишдан чиқувчи деталларни конструктив, технологик ва материалшунослик йўналишларда такомиллаштириш, ишқаланиш шароитида ишловчи деталларнинг ресурсини оширишга олиб келувчи истиқболли пайвандлаб қоплаш технологияларини ва уларда қўллаш учун янги турдаги истиқболли композицион пайвандлаб қоплаш материалларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш жараёнида эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш мақсадида ейилган деталларни тиклаш усуллари ва технологиялари ишлаб чиқилган. Ейилган деталларни тиклаш технологияларини ривожлантиришга М.Спенсер, Д.Хейнз, Студдилар, Dj.C.Taylor, M.M.Tenenbaum, V.N.Tkachov, A.И.Селиванов, В.И.Черноиванов, А.В.Поляченко, Е.Л.Воловик, В.М.Кряжков, И.С.Левитский, Н.Н.Дорожкин, Ю.Н.Петров, И.Е.Ульман кабилар катта илмий хисса қўшганлар.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштириш, деталларнинг ейилиш сабаблари ва миқдорини аниқлаш, деталларнинг ейилишига қарши кураш чоралари, ейилган деталларни тиклаш технологиялари устида Ш.У.Йўлдошев, Т.С.Худойбердиев, Ш.А.Шообидов, К.К.Нуриев, Ғ.Р.Раҳмонов, Т.У Абдурахимов, П.С.Мамажонов каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиз ва ҳориж олимларининг тикланган деталларнинг иш ресурсини юқори бўлишини таъминлаш устида олиб борган ишларига қарамасдан, тиклаш технологияларини, технологик воситаларини, усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдаги, пайвандлаб қоплаш материаллари таркибини танлашдаги ва тикланган деталларнинг ресурсини оширишдаги муаммолар шу вақтгача ўз ечимини топмай келмоқда. Қайта тикланган деталларнинг ейилишга чидамлилигини бир неча марта орттириш орқали уларнинг ресурсини орттиришга доир илмий-амалий масалалар етарли даражада ўрганилмаганлиги шу йўналишда тадқиқотларни бажариш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалиги институтидаги «Металлар технологияси ва машина деталлари» кафедрасининг «Машина деталларини истиқболли металл куқунлари билан пайвандлаб қайта тиклаш ва ейилишга чидамлилигини ошириш технологиясини яратиш» мавзусидаги (2001-2005 йиллар) давлат бюджети ҳисобидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси ва инновация дастури асосидаги «Освоение технологии повышения износостойкости деталей сельхозмашин»

(2003-2004 йиллар) ҳамда «Қишлоқ хўжалиги техникалари деталларининг ейилишга чидамлилигини ошириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014-2015 йиллар) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги техникалари ейилган деталларининг ишчи юзаларига кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплаб, уларнинг ресурсини оширишнинг технология ва воситаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- қишлоқ хўжалиги техникалари деталларининг ресурсини ошириш технологиясини такомиллаштириш мақсадида деталларнинг ейилиш турлари ва миқдорларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалиги техникалари ейилган деталлари ресурсини орттиришнинг назарий асосларини яратиш ва уни машинанинг таъмирлашлараро ресурсига боғлиқ ҳолда ортишини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш;

- кукунсимон композицион материалларни ейилган деталларнинг ишчи юзаларига контакт пайвандлаб қоплашдаги режим ва технологик кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни аниқлаш;

- кукунсимон композицион материаллардан олинган пайванд қатламнинг таркиби ва структурасини ўрганиш ҳамда унинг асосида технологик кўрсаткичларини асослаш;

- ейилган деталларни контакт пайвандлаб қоплаб тиклашнинг таъмирлаш таннархини камайтирадиган, деталлар ресурсини орттирадиган технологиясини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган технологиянинг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалиги техникаларининг ишқаланиш шароитида ишлайдиган деталлари, уларни пайвандлаб қоплаб тиклаш учун кукунсимон композицион материаллар ва деталларни контакт пайвандлаб қоплаб тиклаш технологик жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалиги техникалари деталларининг ишқаланиш натижасида ейилиш жараёнлари, уларни ифодалайдиган аналитик боғланишлар, ейилган деталларни тиклаш жараёнларининг режим ва технологик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари, тикланган деталларнинг ресурс (ейилишга чидамлик) кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда машиналарнинг ишончилиги, ишқаланиш ва ейилиш асослари, математика ва физиканинг фундаментал қонун ва қоидаларидан фойдаланилган. Илмий изланишлар классик механика қоидалари, математик таҳлил ва усуллари, экспериментал тадқиқотлар ГОСТ 5640-68, ГОСТ 10243-75, ГОСТ 23.224-86, ГОСТ 27611-88, ГОСТ 18895-97, ГОСТ 9012-59, ГОСТ 9013-59 каби стандартлар асосида амалга оширилди. Олинган натижаларни баҳолашда математик статистика қоидаларидан ва компьютернинг Word ва Excel программаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ейилган деталларнинг ишчи юзаларига кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплаш технологияси ишлаб чиқилган;

ейилган деталларнинг ишчи юзаларини пайвандлаб қоплаш учун кукунсимон композицион материал таркиби пайванд қатламнинг қалинлиги, структураси ва ейилишга чидамлилигини бошқаришни ҳисобга олган ҳолда асосланган;

қишлоқ хўжалиги техникаларининг айланувчи деталлари юзасини қаттиқ қотишмали кукунсимон композицион материаллар асосида пайвандлаб қоплаб тиклаш усули ишлаб чиқилган;

ейилган деталлар юзасини контакт пайвандлаб тиклашда ролик-электрод ишчи юзасининг эни шакллантирилган кукунсимон композицион материалдан олинган лентанинг кенглигига боғлиқ ҳолда аниқланган;

қишлоқ хўжалиги техникалари деталларининг ресурсини орттирувчи кукунсимон композицион материаллардан олинган пайванд қатламнинг гетероген структураси асосланган;

қишлоқ хўжалиги техникалари ейилган деталлари ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига боғлиқ ҳолда ортишини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кайта тикланаётган деталларнинг ресурсини орттирадиган гетероген структурали пайванд қатлам олиш учун қўлланиладиган кукунсимон композицион материал таркиби асосланган;

деталларнинг ишчи юзаларини контакт пайвандлаб қоплашда шакллантирилган кукунсимон композицион материалларни лента шаклига келтириб фойдаланиш усули ишлаб чиқилган;

абразив ейилиш шароитида ишлайдиган деталларнинг ресурси ортишини таъминлайдиган маълум таркибли композицион пайванд қатлам олиш усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган янги технологияни жорий этиш - машина ва механизмлар деталларининг ейилиши натижасида ишдан чиқиб, бекор туриб қолиш вақтини камайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини орттириш, ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий тадқиқотлар назарий механика ва олий математиканинг фундаментал қонун ва қоидалари асосида ўтказилганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш синовлари натижалари асосида олинган хулоса, таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ейилган деталларни тиклашда ишқаланиш жуфти бирикмаси деталларининг ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига мос ортишини таъминлашнинг илмий-технологик асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кукунсимон композицион материалларни ейилган деталларнинг ишчи юзаларига контакт пайвандлаб қоплашнинг ишлаб чиқилган технологияси деталларининг ейилиши натижасида машиналарни ишдан чиқиб бекор туриб қолиш вақтини камайтириши, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириши, эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириши ва бунинг натижасида таъмирлаш таннархини камайтиришидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги техникалари деталлари ресурсини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

кукунсимон композицион материалларни ейилган деталларнинг ишчи юзаларига контакт пайвандлаб қоплаш технологияси Андижон вилоятининг Андижон туман МТПси ва “Оқ-ёр XXI” МЧЖ томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-февралдаги №02/023-433-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлашда, уларнинг тез ейилиб ишдан чиққан деталларини тиклаш ва ресурсини ошириш имконияти яратилган;

қишлоқ хўжалик техникаларининг ейилган деталларини контакт пайвандлаб тиклаш технологияси Андижон вилоятининг Пахтаобод ва Избоскан туманлари МТПлари томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-февралдаги №02/023-433-сон маълумотномаси). Натижада тикланган деталларнинг таннархини янги эҳтиёт қисмга нисбатан 20-60 фоизга камайтириш, тикланган деталларнинг ресурсини 2-3 марта орттириш имконияти яратилган;

шакллантирилган кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплаш усулига ихтирога муаллифлик гувоҳномаси олинган («Кукунсимон материалларни электр-контакт пайвандлаб қоплаш усули», М.Г. №1459859–1988 й.). Натижада бу валсимон ейилган деталларнинг ишчи юзаларини шакллантирилган кукунсимон композицион материаллар билан контакт пайвандлаб тиклаш технологиясини яратиш имконини берган;

пайвандлаб қоплаш материалининг таркибига ихтирога муаллифлик гувоҳномаси олинган («Пайвандлаб қоплаш материалининг таркиби», М.Г. №1584276–1990 й.). Натижада бу ишқаланиш жуфтидаги пайвандлаб қопланган деталнинг ресурсини 6 мартагача орттириш, пайвандлаб қоплаш материалининг сарфини 3-4 мартагача камайтириш имконини берган;

ейилган деталларнинг ишчи юзаларига кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплаш технологияси “ВМКВ-Agromash” АЖ томонидан, ишқаланиш шароитида ишлайдиган деталларни ейилишга чидамли қатлам билан қопланган ҳолда ишлаб чиқариш учун, жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-февралдаги №02/023-433-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик техникалари конструкциясини яратишда ишқаланиш шароитида ишлайдиган деталларини ресурси оширилган ҳолда лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та

илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, 2 та тавсиялар, учта ихтирочилик гувоҳномалари, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация структураси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг вазифалари»** деб номланган биринчи бобида, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатиш шароитлари, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг ҳолати, машина деталлари ейилишининг сабаблари, турлари ва миқдорлари, ейилган деталларни тиклаш технологиялари ва пайвандлаб қоплаш материаллари, деталлар ресурсини оширишнинг асосий йўналишлари ва бу йўналишда мамлакатимизда ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлашда ейилган деталларни тиклаш ҳисобига эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш ҳамда пайвандлаб қопланган қатламнинг керакли ейилишга чидамлилигини таъминлаш орқали деталларнинг ресурсини ошириш билан боғлиқ илмий-амалий масалалар кенг қўламли тадқиқ этилмаган. Натижада республикамизда, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлашда, эҳтиёт қисмлар сарфи юқориликча, ейилган деталларни тиклаш салмоғи пастликча қолмоқда.

Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш жараёнида таъмирлаш сифатини ошириш, меҳнат ва эҳтиёт қисмлар сарфини камайтиришга ейилган деталларни пайвандлаб қоплаб тиклашнинг технология ва воситаларини такомиллаштириш ва уларда истиқболли композицион материалларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Диссертациянинг **«Деталларнинг ресурсини ошириш ва ейилишга**

чидамли пайванд қатлам кўрсаткичларининг назарий асослари» деб номланган иккинчи бобида ейилган деталларни тиклашда уларнинг ресурсини орттиришнинг назарий асослари ҳамда контакт пайвандлаб қолашнинг режим ва технологик кўрсаткичлари орасидаги аналитик боғланишлар келтирилган.


Ейилган деталларни тиклаш ва пухталигини ошириш жараёнида уларнинг ресурсини ошириш масаласининг икки йўналиши мавжуд.

Биринчиси машиналарнинг тез ейиладиган деталлари ресурсини машинанинг бутун хизмат даврига мос даражада орттиришдан иборат бўлса, иккинчиси, бир машинани ташкил этадиган турли деталларининг ўртача хизмат муддати ўзаро ва машинанинг таъмирлашлараро иш даврига каррали бўлиши кераклигидир.

Таҳлиллар кўрсатдики, иккинчи йўналишнинг ечимига, яъни машиналарнинг тез ейилувчи деталларининг ресурсини оширишга, уларни пайвандлаб қолаб тиклаш жараёнида, ейилишга чидамлилигини бир неча марта орттириб ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига мос равишда орттириш орқали эришиш мумкин.

Агар деталнинг ейилишга чидамликдан бошқа хоссалари унинг хизмат муддатини тугашига олиб келмаса, у ҳолда деталнинг ейилишга чидамлилиги, шартли равишда, унинг ресурсини ифодалайди. Аксарият кўпчилик деталларда учрайдиган ушбу ҳолатда деталнинг ресурсини ейилишга чидамлик орқали ифодалаш мумкин бўлади.

Маълумки, деталларнинг ейилиши уч даврга бўлиб ўрганилади. Биринчиси чиникиш даври, иккинчиси нормал ишлаш даври, учинчиси эса чекли (жадал) ейилиш даври. Ейилишнинг иккинчи даврида ейилиш узок муддат бир текис давом этади. Шунинг учун ейилишнинг иккинчи даврини тўғри чизикли кўринишда ифодалаш ва ундан ишқаланиш жуфти бирикмаси деталлари ейилишининг иккинчи давридаги тезлигини ифодаловчи қуйидаги шартли схемани олиш мумкин (1-расм).



бунда:

$i_{вал}$ - валнинг ейилиш миқдори, мм;
 $i_{втулка}$ - втулканинг ейилиш миқдори, мм;
 t – деталларнинг ишлаш вақти, соат;
 T_r – машинанинг таъмирлашлараро ресурси;
 k_1 – валнинг ейилишга чидамлилиги, марта;
 k_2 – втулканинг ейилишга чидамлилиги, марта;
 n – ишқаланиш жуфти бирикмасининг умумий ресурсини ифодаловчи коэффициент.

1-расм. Ишқаланиш жуфти деталларининг ейилиш тезлигини аниқлаш схемаси.

Схемадаги $OB O_4$ учбурчакдан валнинг OO_4 вақт давомидаги ейилиш

миқдори VO_4 га тенг бўлади. У ҳолда валнинг ейилиш тезлиги қуйидагича аниқланади.


$$\varepsilon_{\text{вал}} = \frac{VO_4}{OO_4} = \frac{i_{\text{вал}}}{k_1 \cdot T_p} \quad (1)$$

OCO_2 учбурчакдан эса втулканинг ейилиш тезлигини аниқлаш мумкин.

$$\varepsilon_{\text{втулка}} = \frac{CO_2}{OO_2} = \frac{i_{\text{втулка}}}{k_2 \cdot T_p} \quad (2)$$

А.И.Селиванов, Ш.У.Юлдашев ва А.С.Прониковлар қўллаган ишқаланиш жуфти деталларининг ресурсини ифодалайдиган схемаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги схема тузилди (2-расм).

Ушбу схемадан қуйидагиларни олиш мумкин. Машинани таъмирлашда бирикманинг ейилган деталлари янгиси билан алмаштирилган бўлса, улар $T_{\text{чекли}}$ давр ишлагандан сўнг ишқаланиш жуфти деталлари орасидаги тирқиш S_{min} дан S_{max} гача ортади. Аммо тирқиш S_{max} га етмасдан аввал машина яна капитал таъмирланади. Бунда тирқиш S_1 га тенг бўлади. Машинанинг таъмирлашлараро ресурси эса T_p га, яъни $T_p \approx 0,8 \cdot T_{\text{чекли}}$ га тенг бўлади.



2-расм. Ресурси оширилган деталлардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш схемаси

Вал ва втулканинг ейилиш миқдорлари $i_{\text{вал}}$ ва $i_{\text{втулка}}$ га тенг бўлади.

Агар валнинг ишчи юзаси ейилишга чидамлилиги юқори бўлган қатлам билан қопланса, унинг ейилишга чидамлилиги k_1 марта ортади деб олинса, у ҳолда втулканинг ейилишга чидамлилиги k_2 марта ортади. Бунда ишқаланиш жуфтига мос маркадаги чўян ёки тобланган пўлатдан иборат материал танланганлиги учун ҳам втулканинг ейилишга чидамлилиги ортади (акс ҳолда втулканинг ейилиш тезлиги ортиб кетиши ҳам мумкин). У ҳолда юқорида келтирилган 1- ва 2- расмлар ҳамда 1 ва 2 тенгликлар асосида бирикманинг умумий ейилиш миқдори қуйидагига тенг бўлади.

$$i_{\text{бир}} = S_1 - S_{\text{min}} = i_{\text{вал}} + i_{\text{втулка}} = k_1 \cdot T_p \cdot \text{tg}\alpha + k_2 \cdot T_p \cdot \text{tg}\beta = T_p(k_1 \cdot \text{tg}\alpha + k_2 \cdot \text{tg}\beta) \quad (3)$$

Ресурси оширилган деталдан фойдаланганда бирикманинг умумий ресурси неча баробарга ортишини аниқлаш учун коэффицент n киритилди. У ҳолда, бирикманинг умумий ейилиш миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$i_{\text{бир}} = n \cdot T_p (\text{tg}\alpha + \text{tg}\beta) \quad (4)$$

(3) ва (4) тенгликларнинг чап томонлари бир-бирига тенг бўлгани учун

ўнг томони ҳам тенг бўлишини ҳисобга олиб коэффициент n ни аниқлаш мумкин.

$$T_p(k_1 \cdot \operatorname{tg} \alpha + k_2 \cdot \operatorname{tg} \beta) = n \cdot T_p(\operatorname{tg} \alpha + \operatorname{tg} \beta) \quad (5)$$

У ҳолда, коэффициент n қуйидагига тенг бўлади:

$$n = \frac{k_1 \cdot \operatorname{tg} \alpha + k_2 \cdot \operatorname{tg} \beta}{\operatorname{tg} \alpha + \operatorname{tg} \beta} \quad (6)$$

ёки

$$n = \frac{k_1 \cdot k_2 (i_{\text{вал}} + i_{\text{втулка}})}{k_2 \cdot i_{\text{вал}} + k_1 \cdot i_{\text{втулка}}} \quad (7)$$

Баъзи хусусий ҳолларни кўриб чиқамиз.

1. Агар $i_{\text{вал}} = i_{\text{втулка}}$ деб олинса, у ҳолда n қуйидагига тенг бўлади:

$$n = \frac{2 \cdot k_1 \cdot k_2}{k_1 + k_2} \quad (8)$$

2. Агар $k_1 = 2, k_2 = 1,5$ бўлса, у ҳолда

$$n = \frac{2 \cdot 2 \cdot 1,5}{2 + 1,5} = 1,72, \quad \text{ёки} \quad T_1 = n \cdot T_p = 1,72 \cdot T_p \text{ бўлади.}$$

Бундан бирикма деталларидан бирининг ресурсини 2 марта ошириш билан таъмирлашлараро ресурсни ҳам икки марта орттириш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

3. Агар $k_1 = 3, k_2 = 2$ бўлса, у ҳолда:

$$n = \frac{2 \cdot 3 \cdot 2}{3 + 2} = 2,4, \quad \text{ёки} \quad T_1 = n \cdot T_p = 2,4 \cdot T_p \text{ бўлади.}$$

Ушбу ҳисобларни кейинги қийматлар учун ҳам давом эттириш мумкин.

Юқорида келтирилган 2-расмдаги схема асосида олинган ҳисоб натижаларининг таҳлили кўрсатдики, агар машинани капитал таъмирлашда ейилган биринчи детал(вал)ни ейилишга чидамлилиги икки марта орттирилган иккинчи детал(вал) билан алмаштирилса, унинг ресурси икки марта ортади. У ҳолда у билан бирикувчи детал(втулка)нинг ресурси 1,5 марта ортади (бу натижалар лаборатория тадқиқотларида олинган қуйидаги 3-расмга асосан келтирилган). 3-расмда валнинг ишқаланиш юзасига қопланган қуйидаги материаллар келтирилган: 1- 45 пўлат лентаси; 2- 65Г пўлат лентаси; 3- У10 пўлат лентаси; 4- Сормайт (ПГ С27) кукунсимон материали; 5- шакллантилган кукунсимон композицион материал (30% ПГ-ФХ-800); 6- шакллантилган кукунсимон композицион материал (50% ПГ-ФБХ-6-2); 7- ВК8 қаттиқ қотишмаси; 8- Т15К10 қаттиқ қотишмаси; 9- Т15К6 қаттиқ қотишмаси; 10- ВК3 қаттиқ қотишмаси.

Схемадан (2-расм) кўриш мумкинки, икки ва бир ярим марта орттирилган ресурсга эга бўлган вал ва втулка машинада маълум муддат ишлагандан сўнг машина капитал таъмирлашга олиб келинади. Бунда ушбу деталларнинг қолдиқ ресурси кейинги таъмирлашгача етарли бўлмайди ва улар шу таъмирлашдаёқ яроқсизга чиқарилади.


Яна юқоридаги схемадан (2-расм) ейилишга чидамлилиги уч марта

орттирилган детал бирикмасининг ресурси икки капитал таъмирлашлараро муддатга, ейилишга чидамлилиги тўрт марта орттирилган детал бирикмасининг ресурси эса, уч капитал таъмирлашлараро муддатга етишини кўриш мумкин.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, деталларнинг ейилишга чидамлилигини икки ярим мартагача орттириш билан, улардан икки ва ундан ортиқ таъмирлашлараро муддатда фойдаланиб бўлмас экан.

Олинган натижаларни сонлар ўқига жойлаштириб қуйидаги схемага эга бўламиз (4-расм). Ундан деталлар ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига мос қийматларини аниқлаш мумкин. Жумладан, қайта тикланган деталнинг ресурсини 1 дан 1,25 гача, 2,5 дан 2,75 гача, 4 дан 4,25 гача, 5,5 дан 5,75 гача каби ораликда ошириш иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлади ва улар бирикманинг ресурсини машинанинг 1-, 2-, 3-, 4- таъмирлашлараро ресурсига мос ортишини таъминлайди. Ушбу чегаралар 2-расмдаги T_p ва $T_{чекли}$ қийматлар асосида белгиланди.

Бундан эса, детал бирикмасининг ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига мос равишда бошқариш мумкинлиги келиб чиқади. *Юқорида келтирилганлар детал бирикмасининг ресурсини машинанинг таъмирлашлараро ресурсига мос равишда бошқариш услуги бўлиб хизмат қилади.*



3-расм. Пайвандлаб қопланган вал ва у билан ишқаланиш жуфтида бўлган чўяннинг ейилишга чидамлиликлари орасидаги боғланиш графиги.



4-расм. Таъмирлашлараро, чегаравий, бирикма ва детал ресурсларининг вақт ўқида жойлашиш схемаси.

Контакт пайвандлаб қоплашнинг режим ва технологик кўрсаткичларини асослаш. Машинасозликда деталларни пайвандлашда контакт пайвандлаш усули кенг қўлланилиши сабабли уни ейилган деталларни тиклашда ҳам қўллаш катта аҳамият касб этади.

Шакллантирилган кукунсимон композицион материаллардан фойдаланиш имкониятини берадиган контакт пайвандлаб қоплаш жараёнининг қувват баланси - жараённинг режим ва технологик кўрсаткичлари орасидаги аналитик боғланишни аниқлаш имконини берди.

$$U_{найв} \cdot I_{найв} = \pi \cdot d \cdot n \cdot P_c \cdot v_s \cdot (H_{км} - h_l) \quad (9)$$

бунда $U_{найв}$ - пайвандлаш токининг кучланиши, В; $I_{найв}$ - пайвандлашда ток

кучи, A ; d – деталнинг диаметри, м; n – деталнинг айланишлар сони, айл/с; v_s - араваачанинг бўйлама йўналишдаги тезлиги, м/айл; P_c – босим кучи, Н/м²; $H_{км}$ – кукунсимон композицион материалнинг қалинлиги, м; h_l – пайванд чокнинг қалинлиги, м.

Диссертациянинг «**Эксперименталь тадқиқотлар дастури ва услублари**» деб номланган учинчи бобида деталларнинг ейилишга чидамлилигини ошириш бўйича бажариладиган тадқиқот услублари келтирилган. Деталлар ресурсини ошириш самарадорлигини баҳолаш учун кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплашнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича лаборатория синовлари ўтказишнинг услублари белгиланди ва такомиллаштирилди. Хусусан, айланувчи деталларни мой муҳитида ейилишга синаш қурилмаси ҳамда пайванд қатлам мустаҳкамлигини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижалари математик статистика қоидалари асосида қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Кукунсимон композицион материаллардан пайванд қатлам олиш технологиясини ва олинган қатламни лаборатория шароитида тадқиқ қилиш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида шакллантирилган кукунсимон композицион материаллардан пайванд қатлам олиш учун контакт пайвандлаш технологиясини такомиллаштириш, деталларнинг ресурсини оширишда контакт пайвандлаш усулини қўллашнинг истиқболларини асослаш, шакллантирилган кукунсимон композицион материални пайвандлаб олинган қатламнинг қалинлиги, пайвандланиш мустаҳкамлиги ва қаттиқлигини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Шакллантирилган кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб қоплаш усулини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар металл кукунларини маълум қалинликдаги лента шаклига келтириш мумкин эканлигини кўрсатди. Шакллантирилган кукунсимон композицион лентани тайёрлашда аввал полимер боғловчидан фойдаланилди. Келтирилган усулнинг ижобий томони шундаки, бунда ейилган детални винтсимон йўналиш бўйича тўхтовсиз пайвандлаб қоплаш мумкин. Кейинги тажрибалар кукунсимон композицион материални полимер боғловчисиз қиздириб шакллантирилган ҳолда пайвандлаш зонасига ингичка лента кўринишда узатиш мумкинлигини кўрсатди ва бунинг учун махсус мослама ишлаб чиқилди.

Одатда пўлат ленталарни контакт пайвандлашда ролик-электрод ишчи қисмининг кенглиги 4-6 мм оралиғида бўлади. Шакллантирилган кукунсимон композицион материалнинг хоссалари пўлат лента хоссаларидан фарқ қилгани учун бундай ўлчамдаги ролик-электродни қўллаб бўлмади.


Ўтказилган тажрибалар асосида ролик-электрод ишчи юзасининг эни ва шакллантирилган кукунсимон композицион материалдан олинган лентанинг кенглиги ўртасидаги боғланиш аниқланди.

$$B_p \geq b_{кл} \left(\frac{0,5b_{кл} + 3}{b_{кл} - 0,6} + \frac{1}{2} \right), \quad (10)$$

бунда $b_{кл} < 10$ мм – шакллантирилган кукунсимон материал лентасининг эни, мм ($b_{кл} = 4-6$ мм), B_p - ролик-электрод ишчи юзасининг эни, мм.

Шакллантирилган кукунсимон композицион лентани пайвандлаб қоплаш натижасида детал намунасининг ишчи юзасида винтсимон шаклли юпка пайванд қатлам ҳосил бўлади (5-расм). Ҳосил бўлган металл қатлам боғловчи–матрицадан, тўлдирувчи ва пухталовчи фазалардан иборат бўлади.

Тадқиқотлар олиб бориш учун маълум марқадаги ва турдаги кукунсимон материаллар танлаб олинди. Уларнинг маълум нисбатдаги аралашмасидан композицион материал сифатида фойдаланилди. Улар никель асосли ўзи флюсланадиган металл кукунлари боғловчи-матрица сифатида (30% гача) – суюқланиш температураси 1450°C, темир кукуни тўлдирувчи сифатида (20% гача) – суюқланиш температураси 1480°C ва пухталовчи сифатида хром, титан ва вольфрам карбидлари (50% гача) асосидаги қаттиқ қотишмалардан - суюқланиш температураси мос равишда 1890°C, 3260°C, 2720°C иборат.



1- боғловчи - матрица; 2- пухталовчи қаттиқ қотишма заррачалари.

5-расм. Кукунсимон композицион лентани контакт пайвандлаб қопланган детал намунаси ва унинг кўндаланг кесим юзаси (x100)


Пайвандлаб қоплаш жараёнида ҳосил қилинадиган пайванд чокнинг керакли структурасини ток кучи ва импульс вақти таъминлайди. Уларнинг танлаб олинган қийматларида пайвандлаш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори пайванд чокдаги температура кукунсимон композицион материал таркибидаги боғловчи – матрица ва тўлдирувчи фазаларни суюқлантиради, қаттиқ қотишма зарраларини суюқлантириш учун етарли бўлмайди. Бу билан уларнинг бутунлиги сақлаб қолинади. Пайванд чокдаги суюқланган металл ролик-электродлардаги босим кучи ва температура таъсирида қаттиқ қотишма зарралари орасидаги бўшлиқни тўлдириб уларни ўзаро ва асосий металл билан мустаҳкам бирикишини таъминлайди.

Кукунсимон композицион материалнинг керакли таркибини, ташкил этувчи кукун зарраларининг ўлчамини, таркибнинг фазалардаги миқдорини белгилаш орқали олинган пайванд қатламнинг хоссаларини кенг доирада бошқариш мумкин.

Шакллантирилган кукунсимон композицион материалларни контакт пайвандлаб олинган қатламнинг режим ва технологик кўрсаткичларини


асослаш бўйича ўтказилган тажрибалар қуйидаги натижаларни кўрсатди.

Аввал полимер ёрдамида шакллантирилган кукунсимон композицион материалдан олинган пайванд қатламнинг қалинлиги ўрганилди. Қуйидаги 6-ва 7-расмларда полимер ёрдамида шакллантирилган кукунсимон композицион лентанинг қалинлиги билан ундан олинган пайванд қатлам қалинлиги орасидаги боғланишни аниқлаш устида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.



Полимер ёрдамида шакллантирилган кукунсимон композицион лентанинг қалинликлари, мм: 1 – 0,60; 2 – 1,10; 3 – 1,50; 4 – 2,40.

6-расм. Ролик-электроддаги босим кучи таъсирида полимер ёрдамида шакллантирилган кукунсимон композицион лентанинг деформацияланиш графиги



Кукунсимон материал заррачаларининг ўлчами, мм: 1 - 0,500...0,630; 2 - 0,400...0,500; 3 - 0,280...0,400; 4 - 0,160...0,280; 5 - 0...0,160.


7-расм. Полимер ёрдамида шакллантирилган кукунсимон композицион лента қалинлиги билан пайванд қатлам қалинлиги орасидаги боғланиш

Ўтказилган тажрибалар олинган композицион пайванд қатламнинг қалинлиги 0,1 дан 1,5 мм гача бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шу билан бирга контакт пайвандлаш усулида олинган пайванд қатламнинг кесиб ишлов бериш учун қўйими бошқа усуллардагига қараганда анча кам бўлишини кўрсатди ва бунда унинг кесиб олиб ташланадиган қисмининг ҳажми бутун пайванд қатлам ҳажмининг 30-50 фоизини ташкил этиши аниқланди. Бу металдан фойдаланиш коэффицентини 50-70 фоиздан иборат бўлишини, контакт пайвандлаб қолаш усули металл сарфини бошқа усулларга нисбатан 3-4 мартага камайтиришини кўрсатди.

Қиздириб шакллантирилган кукунсимон композицион материал таркибида полимер боғловчининг йўқлиги ва зарралар ўзаро жипс контактда бўлгани учун ҳам унга босим кучининг таъсири юқоридагилардан фарқ қилади. Шунинг учун пайвандлаш жараёнининг турғунлигини таъминлашда босим кучининг минимал қийматини белгилаб олиш етарли бўлади (8-расм).


Олинган боғланишнинг таҳлили кўрсатдики, босимнинг 25 МПа га қадар ортиши билан электр қаршилик камайиб борди. Босимнинг 25 МПа дан кейинги ортиши электр қаршиликнинг турғунлашувиغا олиб келди, унинг

миқдори $2 \cdot 10^{-5}$ Ом·м билан $1,2 \cdot 10^{-5}$ Ом·м орасида бўлди. Электр қаршилиқнинг бу миқдори контакт пайвандлаш жараёнининг сифатли ўтишини таъминлади. Ўтказилган тажрибалардан контакт пайвандлаб қоплашда босимнинг минимал қиймати $P \geq 25$ МПа дан кам бўлмаслиги кераклиги аниқланди.




8-расм. Кукунсимон композицион материал электр солиштирма қаршилиги ва абсолют деформациясининг босимга боғлиқлик графиги

Кейинги тажрибаларда қиздириб шакллантирилган кукунсимон композицион материалларнинг пайвандланиш мустаҳкамлиги обкатка усулида синовдан ўтказилди. Унда кукунсимон композицион материал таркибидаги ташкил этувчиларнинг миқдори қатламнинг пайвандланиш мустаҳкамлигига таъсири ўрганилди (9-расм). Натижада композицион материал таркибидаги қаттиқ қотишма кукунининг миқдори 50% атрофида бўлганда пайвандланиш мустаҳкамлиги энг юқори бўлиши аниқланди.



- 1 -емирилишнинг бошланиши;
- 2 –шиддатли емирилишнинг бошланиши; × - назарий эгри чизик;
- -тажрибавий эгри чизик.

9- расм. Пайвандланган қатламнинг пайвандланиш мустаҳкамлигини қаттиқ қотишма миқдорига боғлиқлик графиги




- ◆ - қатлам қалинлиги бўйича;
- - ток кучи бўйича;
- ▲ - ток импулси вақти бўйича.

10-расм. Пайванд қатламнинг пайвандланиш мустаҳкамлигини пайвандлаш режимига боғлиқлик графиги

Шакллантирилган кукунсимон композицион материалларнинг пайвандланиш мустаҳкамлигини пайванд қатлам қалинлигига, пайвандлашдаги ток кучи ва ток импульси вақтига боғлиқлик графиклари 10-расмда келтирилган.

Ток кучининг $I_{\text{пайв}} = 5$ дан 11 кА гача, ток импульси вақтини эса, $t_{\text{имп}} = 0,02$ дан 0,14 с гача ортиб бориши натижасида қатламнинг пайвандланиш мустаҳкамлиги аввал ортиб борувчи ва кейин камайиб борувчи эгри чизик бўйлаб ўзгаришини кўрсатди. Қатлам қалинлигининг ортиши билан эса пайвандланиш мустаҳкамлиги маълум қонуният асосида ортиб бориши аниқланди. Натижада пайвандланиш мустаҳкамлиги етарли бўлган пайванд чок олишни таъминловчи ток кучи ва ток импульси вақтининг $I_{\text{пайв}} = 8$ кА; $t_{\text{имп}} = 0,08$ с. каби минимал қийматлари аниқланди.


Пайванд қатлам қаттиқлигига ток кучи ва импульс вақтининг таъсири ўрганилганда (11- ва 12-расмлар) иккала ҳолатда ҳам ўзгарувчининг ортиши билан аввал қаттиқликнинг ортиши, кейин эса, уларнинг қиймати маълум миқдорга етгандан кейин, қаттиқликнинг камайиб бориши кузатилди. Бунинг сабаби температура ортиши билан аввал матрица пластик ҳолга келади, кейин суюқлана бошлайди, ундан кейин пухталовчи қаттиқ қотишма ҳам суюқланиб, матрица билан аралашиб кетади ва структура ўзгариши рўй бериб пайванд қатлам гетероген структурадан гомоген структурага ўтиб кетади.



- ▲ Тадқиқот лентаси
- ◆ ЛС-70Х3НМ лентаси

Босим -25 МПа; ток импульси вақти-0,08 с.; пауза вақти-0,14 с.; ленталарнинг қалинлиги -1 мм.

11-расм. Пайванд қатлам қаттиқлигининг ток кучига боғлиқлик графиги



- ЛС-5Х4В2МФС лентаси
- ▲ Ст45 лентаси


Босим-25 МПа; ток кучи-8 кА; пауза вақти-0,14 с.; ленталарнинг қалинлиги -1 мм.

12-расм. Пайванд қатлам қаттиқлигининг ток импульси вақтига боғлиқлик графиги

